

КИЧИК ШАҲАРЛАР ИЖТИМОЙ ИНФРАТУЗИЛМАСИ ТУШУНЧАСИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ

Қаюмов Қаҳрамон Нозимжонович

Ўзбекистон Миллий университети

“Ижтимоий иш” кафедраси катта ўқитувчиси

e-mail: nqayumov@inbox.ru

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада кичик шаҳарлар ижтимоий инфратузилмасининг мазмун моҳияти ва унинг назарий асосларига эътибор қаратилган.

Калит сўзлар:

кичик шаҳар, инфратузилма, ишлаб чиқиш, инсон ҳаётини фаровонлаштириш, имтиёзли тўловлар, аҳолининг ижтимоий таъминоти, капитал, инвестиция, суғурта.

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена сущности социальной инфраструктуры малых городов и ее теоретическим основам.

Ключевые слова:

малый город, инфраструктура, развитие, благосостояние человеческой жизни, льготные выплаты, социальное обеспечение населения, капитал, инвестиции, страхование.

ANNOTATION

This article is devoted to the essence of the social infrastructure of small towns and its theoretical foundations.

Key words:

Small town, infrastructure, development, welfare of human life, preferential payments, social security of the population, capital, investment, insurance.

Хорижда чоп этилган шаҳар социологияси соҳасидаги илмий адабиётлардан маълум бўладики, инфратузилма тушунчаси XX аср бошларида биринчи бор ҳарбий қуроли кучларнинг тўлақонли фаолият юргизиши учун зарур бўлган объектлар ва иншоотлар нуқтаи-назардан ишлатилган. Кейинчалик эса 1940 йилларига келиб эса инфратузилма жамиятнинг моддий ишлаб чиқариш соҳасига зарурий шарт-шароитлар яратувчи тармоқ ва муассасаларининг яхлит бир таркиби сифатида тушуниланган. 1970–1980 йиллардан собиқ иттифок республикаларининг ижтимоий-иқтисодий адабиётларида, одатда, инфратузилмани муҳандис – техник бино ва иншоотларнинг йиғиндиси сифатида талқин қилиш ҳолатлари кўпроқ кузатилган. Бугунги кунга келиб эса инфратузилма атамаси ишлаб чиқариш ва аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш маъноларини англатиб уни хизмат кўрсатишнинг яхлит тизими сифатида талқин қилиш устувор аҳамият касб этмоқда. Шу нуқтаи назардан олиб қарганда шуни айтиш мумкинки, инфратузилма деганда бу кичик шаҳарларда ташкил этилган ҳар қандай яхлит иқтисодий тизим ва тузилмаларнинг мавжуд бўлиш шарти ҳисобланган таркибий қисм тушунилади. Сўзма-сўз ифодалаганда, инфратузилма – бу кичик шаҳарлардаги янги иқтисодий тизимнинг асоси, пойдевори, ички тузилмаси маъноларини ҳам ифодалайди.

Бизга маълумки, “инфратузилма” атамаси латинча “infra” – сўздан олинган бўлиб қуйи, ости; “structura” - тузилма, жойлашув маъносини англатади. Кичик шаҳарлар инфратузилмаси - бу айти шу

худудда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқларининг самарали фаолият юритиши ва аҳоли турмуш даражасини оширишга кўмаклашувчи хизматлар ва уларнинг бино-иншоотлар тизимидир. Бундан маълум бўладики, Кичик шаҳарлар инфратузилмасида ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ҳамда аҳоли турмуш даражасини ошириш алоҳида аҳамият касб этади. Кичик шаҳарлар инфратузилмасида ишлаб чиқариш ўз ичига аҳоли ва бизнесга энергия, ёқилғи, сув, ишлаб чиқариш қурилмалари, капитал қурилиш ва таъмирлаш хизматлари билан таъминлаш бўйича хизматларни қамраб олади. Бу худуддаги ижтимоий инфратузилма эса инсон салоҳиятини (капиталини) касбий таълим ва соғлиқни сақлашни ривожлантириш орқали ўсишини таъминлашга хизмат қилувчи тизим сифатида намоён бўлади. Бизнинг назаримизда, ижтимоий инфратузилма кишиларнинг маиший, маънавий, маданий эҳтиёжларини қондириш орқали уни ҳар томонлама социал ривожланишга хизмат қиладиган ўзига хос тизим ҳисобланади. Иқтисодчиларни ҳисоб-китоби бўйича ўртача кун кечириш учун ер юзидаги аҳоли камида кунига 15 евро ишлаб топиши керак экан. Бироқ, дунё аҳолисининг деярли ярмидан кўпи ҳозирги кунда ўртача кун кечириш учун белгиланган кўрсаткичдан 7 баробар кам даромадга эга. Дунёнинг камбағал давлатларидаги аҳоли 1 евродан кам даромадга эга эканлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Лекин жаҳондаги 200 та бой инсон бир секундда ўртача 25 евро даромад қилаётганлиги ҳақида ҳам далиллар мавжуд.

Кичик шаҳарларнинг ижтимоий инфратузилмаси муаммоси XIX-асрнинг ўрталаридан бери илмий қизиқиш объекти бўлиб келмоқда. Кичик шаҳарлар ижтимоий инфратузилмасини бошқариш муаммоларини ўрганиш натижалари Р.Парк, М.Вебер, Э.Дюркгейм, П.Сорокин каби Ғарб социолог олимлари асарларида келтирилган[1,2,3,4]. Мазкур олимлар кичик шаҳарларнинг ижтимоий инфратузилмасида иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш ўртасида қарама-қаршиликларни аниқлаш, ижтимоий ривожланишни иқтисодий ўсишга таъсири, кичик шаҳарларнинг ижтимоий инфратузилмаси аҳолининг ижтимоий хизматларга бўлган эҳтиёжларига боғлиқлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратганлар. Бизнинг назаримизда, кичик шаҳарлардаги ижтимоий инфратузилма объектлари кўпинча ўз-ўзидан ривожланади, уларни бошқаришда комплекс ёндашув мавжуд эмас. Ўз-ўзидан пайдо бўлган бозор шароитида ижтимоий институтлар нотекис ривожланади. Умуман кичик шаҳарлар ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ривожланиш даражаси ва ижтимоий инфратузилма элементларининг мувозанат ва оқилона тақсимланиш даражаси билан характерланади.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида эса кичик шаҳарларининг ижтимоий инфратузилмасини бошқариш ва ривожлантириш муаммолари Ҳ.А.Аитов, Г.М.Лаппо ва бошқа тадқиқотчилар ишларида ўз ифодасини топган. Ушбу муаллифлар кичик шаҳарлардаги ижтимоий инфратузилма объектларида мавжуд муаммоларни ўрганиш ижтимоий менежмент ва режалаштириш методологиясини ишлаб чиқиш, жамиятдаги ижтимоий жараёнларни бошқариш бўйича амалий тажрибани умумлаштиришга катта ҳисса қўшдилар. Шунингдек, улар Россия Федерацияси мисолида ижтимоий инфратузилмани инсон ҳаётини фаровонлаштиришдаги ўрни, меҳнат, ижтимоий, маданий, оилавий ва маиший фаолиятни ташкил этишнинг шарт-шароитлари ҳақида муҳим илмий-концептуал қарашларни илгари сурганлар[5,6].

Жамият социал ҳаётида ижтимоий инфратузилма субъектларининг асосий функциялари аҳолини жорий ва истиқболдаги эҳтиёжни режалаштириш, имтиёзли тўловларни амалга ошириш, аҳолининг асосий жисмоний эҳтиёжларини қондириш, малака ва муҳим касбий сифатларни баҳолаш, аҳолини саводхонлик даражасини ошириш, уларни ўқитиш, кадрлар захирасини шакллантириш, маънавий эҳтиёжларни қондириш, ижтимоий эҳтиёжларини қондириш, аҳолининг маънавий ва маданий даражасини ошириш, ижтимоий-руҳий муҳитни сақлаш, корпоратив маданиятни шакллантириш ҳамда аҳолининг ижтимоий таъминотини яхшилаш кабиларда ёрқин намоён бўлади. Шунингдек, бугунги кунда кичик шаҳарлар тараққиётининг муҳим иқтисодий асоси бўлган бозор инфратузилмаси эса товар, пул ва капиталларнинг айланишини тезлаштиришга хизмат қилади шу билан бирга ўз ичига биржалар, банк тизими, суғурта хизматларини қамраб олади.

Бугунги кунда катта ёки ўрта шаҳарлар каби кичик шаҳарларга ҳам ижтимоий-иқтисодий томондан муносиб шарт-шароит яратиш бериш, мазкур социал типдаги шаҳарлар учун ишлаб чиқариш ва ижтимоий объектларни жойлаштириш учун қулай инвестиция муҳити ҳамда шарт-шароитларни яратиш, ер участкалари бозорини шакллантириш, мақсадли молия маблағларини йўналтириш долзарб муаммолардан ҳисобланади. Шунингдек, кичик шаҳарлар барқарор ижтимоий-

иқтисодий ривожланишини таъминлаш мақсадида мавжуд табиий-иқтисодий салоҳиятдан, бюджет ва бюджетдан ташқари манбалардан ҳамда янги ташкил этилган урбанизация жамғармаси маблағларидан, мавжуд ва ташкил этиш кўзда тутиладиган эркин иқтисодий зоналар, айниқса кичик саноат зоналари имкониятларидан самарали фойдаланиш, шаҳар ҳокимликлари мустақиллиги ва масъулиятини ошириш, халқаро стандартлар ва рейтинглар билан уйғунлаштирган ҳолда шаҳар аҳолиси сонининг статистик ҳисобини юритишни такомиллаштириш муҳим муаммолар сирасига киради. Шу боисдан ҳам “Мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналар фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик базаси шакллантирилди, маъмурий функцияларни номарказлаштириш ҳамда эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарининг маъмурий кенгашлари ваколатларини кенгайтириш орқали уларнинг фаолиятини бошқариш механизми соддалаштирилди”[7].

Бизнинг назаримизда бугунги кунда кичик шаҳарлар ижтимоий инфратузилмасининг бошқариш ва ривожлантиришда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

- кичик шаҳарлар тизимида аҳолини соғлигини сақлаш мақсадида ихтиёрий ва мажбурий тиббий суғурта тизимини замонавий талаблар асосида шакллантириш ва бу жараёнда давлат-хусусий аралаш моделини жорий қилиш айниқса хусусий хизмат кўрсатувчи тиббиёт муассасаларини фаолиятини янада ривожлантириш, аҳолини кам таъминланган қатламни давлат томонидан жиддий эътибор қаратилиши эътиборга молик;

- кичик шаҳарлар тизимида ижтимоий сиёсатни янада фаоллаштиришда инсон капиталини алоҳида ҳисобга олиш, хусусий хизмат кўрсатувчи тадбиркорлар фаолиятини мунтазам рағбатлантириб бориш, барча учун бир хил бепул давлат таълимини сақлаб қолиш билан бир қаторда бу тизимни жаҳон таълим тизими талаблари даражасига олиб чиқиш, юқори малакали ишчи кучларини экспорт қилиш муҳим аҳамиятга эга;

- кичик шаҳарлар ижтимоий инфратузилмасининг бошқариш ва ривожлантиришнинг интеллектуал ва маданий омилларига алоҳида эътибор қаратиш, бунинг учун интеллектуал хизматларни жонлантириш, ёш авлодни санъат ва ижодга бўлган юқори даражадаги талабларини мунтазам ҳисобга олиб иш тутиш, бу йўналишда мамлакатнинг миллий брендини шакллантириш долзарб вазифалардан ҳисобланади;

- кичик шаҳарлар тизимида экология соҳасида олиб бориладиган ислохотларни янада жадаллаштириш, бу йўналишдаги муаммоларни бартараф этишда давлат чеклов чораларини амалга ошириш ва аҳоли эътиборини экологияга қаратиш ҳисобидан йиғиладиган маблағларни рационал йўл билан ошириш йўллари излаш ва табиатни асраб-авайлашга қаратилган ҳаракатлар, турли даражадаги лойиҳаларни жорий қилиш, бу соҳага ҳам илм-фан, технология ва инновацияларни мунтазам жалб қилиш муҳим аҳамиятга эга;

- халқаро компаниялар ва мутахассисларни жалб қилиш орқали Ўзбекистон кичик шаҳарлар ижтимоий инфратузилмасининг бошқариш ва ривожлантириш мақсадида инновацион марказларни яратиш ҳамда ривожлантириш, мавжуд инфратузилмани замонавийлаштириш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқариш тизимини маҳаллийлаштириш сиёсатини мунтазам йўлга қўйиш, капитал амнистияси, солиқ ислохотларини амалга ошириш, давлат-хусусий шерикчиликни янги босқичга олиб чиқиш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, кичик шаҳарлар ижтимоий инфратузилмасини бошқариш ва ривожлантириш механизмлари ишлаб чиқиш бу кичик шаҳарларни бошқариш ва ривожлантириш учун асос вазифасини бажарди. Бу шу ўринда жамият ҳаётига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди. Яъни, кичик шаҳарларнинг ривожланиши ижтимоий ҳаётга балки, маънавий, маданий ва сиёсий ҳаётимизга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Мамлакатни ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Парк Р. Город как социальная лаборатория // Социологическая теория: история, современность, перспективы. С-ПБ: «Владимир Даль», 2008. – С. 31.
2. Вебер М. Город// Избранное. Образ общества.: Пер. с нем. М.: Юрист, 1994.- С. 309-446.;
3. Дюркгейм Э. О разделении общественного труда / пер. с фр. А.Б. Гофмана, примечания В.В. Сапова. М.: Канон, 1996. - 332 с.;

4. Сорокин П. Человек. Цивилизация. Общество. М.: Политиздат, 1992.-С. 295-424.
5. Аитов Н.А., Говако Б.И., Игебаева Ф.А. Город. Население. Трудовые ресурсы. - Уфа: Башкирское книжное изд-во, 1982. - 176 - 144 с.;
6. Лаппо Г.М. Проблемы малых городов. - В сб.: Народонаселение и экономика. - М.: Экономика, 1967.- с. 170-186.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.12.2018 йилдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5600- сонли Фармони.